

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
O'LIY VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI



**ЗАМОНАВИЙ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ:
ИННОВАЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

**PROBLEMS OF MODERN CONTINUING EDUCATION:
INNOVATION AND PERSPECTIVES**

**ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ:
ИННОВАЦИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**ЗАМОНАВИЙ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ:
ИННОВАЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

халқаро илмий конференция

27 апрель, 2018 йил

international scientific conference

**PROBLEMS OF MODERN CONTINUING EDUCATION:
INNOVATION AND PERSPECTIVES**

April 27, 2018

международная научная конференция

**ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО НЕПРЕРЫВНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ: ИННОВАЦИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

27 апреля 2018 г.

II

Тошкент – 2018

МУНДАРИЖА

ИШКУВАТОВ В. УЗБЕКИСТОНДА МАХАЛЛА ТАРИХИ ВА ЭТНИК УЗНГА ХОСЛИТИ	4
ИСМОИЛОВА Н. ТАЛАБАШНИ ДАВРИДАГИ СТРЕСС ХУСУСИЯТЛАРИНИ УРГАТИШИ	8
КУЙСИНОВ О.А. КОМПЕТЕНТЛИКНИНГ МОХИЯТИ ВА МАНТИВНИ ЖИНАТДАН ТАЪЛИҚИ ПЕДАГОГИК КАТЕГОРИЯСИГА	9
KUSHKAROVA Y. ALTERNATIVE ASSESSMENT AS A MEANS TO DEVELOP STUDY SKILLS IN ESP CLASSES IN HIGHER EDUCATIONAL SETTINGS	11
БОИМАТОВ Н. ОШНИ ТАЪЛИҚЛАШДА АССАЛАРИДА КОРПОРАТИВ ТАЪЛИҚНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШИ	12
МУХТИБОВ М. ШЕРКУЛОВА Н. ФИЗИКАНИ ИНТЕГРАЛЛАБ ўқитишда ЭКОЛОГИК МАЪМУРИДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЙИНЛАШ ТАМОИЛИЛАРИ	15
НУРУЛБЕКОВА Я.А. ҚАТТАЛАР ТАЪЛИҚИНИНГ УЗНГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	17
НУРМАНОВ А.Т., МУСТАФАКУЛОВ А.А. КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ СОЗДАНИЯ ВНУТРИУЗОВОЙ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	19
НУРМАНОВА А., КАСЬ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ ВА БОШҚАРИШДА РАХБАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ	21
НУРМАТОВ Э.З., АТАМУРДОВ Ш.У., ВОЛЕЙБОЛ УЎНИН ТЕХНИКАСИНИ УРГАТИШИ УСУЛИЛАРИ	23
НУРАУРАТОВА Х.Я., ФОРНИИЛАРНИНГ КИРСИВИ ТАЪЛИҚИ ОРҚАТИ МЕТОДИ ВА УМУМИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЮЗАГА ЧИКАРИШИ ЮСЛИЛАРИ	25
NURMUKHAMEDOVA L.SH., ZIYOVUDDINOVA M.F., RIVOJLANISHIDA NUQSONI BO'LGAN O'QUVCHILARNI TARBIVIALASHDA OPLA VA MAKTAB HANJKORLIGI -TADQIQOT OBJEKTIFATIDA	25
НУРУЛБЕКОВА У.К., МАКТАБ УҚУВЧИЛАРИНИ КАСЬ-ХУНАРГА УРГАТИШИ ЮСЛИЛАРИ	27
ОДИЛОВА Н.Г., РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНОГО ИНТЕЛЛЕКТА КАК ПРОФЕССИОНАЛЬНО ЗНАЧИМОЕ КАЧЕСТВО СТУДЕНТОВ-ПЕДАГОГОВ	30
ОКНАЗАРОВ Т., ҚАРИШЕВА Д., ТАЪЛИҚЛАШДА АССАЛАРИ ХОДИМИЛАРИНИ МАТКАСИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ УЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОИДАЛАНИШИ	32
ONGAROV M.B., MADATOV K.M., UCHQUROVA Z.SH., AMALIY VA LABORATORIYA MASHG'ULOTLARIDA MUSTAQIL TA'LIMNI TASHKIL ETISHDA INNOVATION TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	33
ОПАЕВА Г.А., НОМАТЕМАТИКА ТАЪЛИҚИ ЮНАТИШИЛАРИНИ УЧУН МАТЕМАТИКА ФАНИДАН УҚУВМАШГУЛОТЛАРИНИ УТКАШИШДА ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОИДАЛАНИШИ-УҚУВЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИ ОМИЛИСИГА	34
ОСТОПАКУЛОВ Н., ТАЗКИРА ВА МАНОҚИБЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ-ПЕДАГОГИК ФУНКЦИЯЛАРИ	35
ОТАЖОНОВ Ж.М., РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ	36
ОТАКУЛОВ Ш., УЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ХУКУҚ ВА ЭРКИЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР	39
OSHILOV F.I., BOSHLANG'ICH TA'LIMDA KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA O'ZLASHTIRISHNING MUAMMOLARI	41
ПАК Н.Н. ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ ТРАНСФОРМЕРЫ КАК ПЛАТФОРМА ОРГАНИЗАЦИИ СТУДЕНТ-ЦЕНТРИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ	43
ПАНТАН Р. ПРОЦЕСС ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО ПЕДАГОГА ОФИЦЕРА В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ	45
PANFEROVA I. THE INTERDISCIPLINARY LINGUODIDACTICAL APPROACH TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES	47
ПАПКОВСКАЯ Е.Т., ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГР В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ДЕТЕЙ СТАРШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА БЫШИНКЕ	48
ПАРДАБОВ Д., УҚУВЧИЛАРИНИ КИТОБ МУТОЛААСИГА КИРИҚИШИНИ ШАКЛЛАШТИРИШИ	49
PARDAYEVA M.X., ALISHER NAVOIYNING "FARXOD VA SHIRIN" ASARINING XALQ IJODIYOTIDA TALQEN QILINISHI	50
PARDAYEVA K., MICHAMMADIYEVA S., PARDAYEVA K., ORALOVA O., TALABALARGA TABIATNI SEVISH VA ARDOQLASH HISSINI TARBIVIALASH	51
ПАРШЕВА Н.Т., ОПТИМИЗАЦИЯ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА ПО МАТЕМАТИКЕ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ БУЗЕ	52

9. Глобаллашув даврда дунё экологик муаммолар гирдобига тушиб бораётгани хақида мустақил фикр юритишга ўргатиш.

Ўқоридаги фикрларга асосланиб, ўқувчиларни физикани меҳнат таълими билан боғлаб, ўқитишда экологик мазмундаги материалларни танлаш методлари билан таништиришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

КАТТАЛАР ТАЪЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

НУРУМБЕКОВА Я.А., ГулдУ, Ўзбекистон

Мамлакатимиз аҳолисининг муносиб ҳаёт кечирishi, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ҳамда касб эгаллаши, жамиятда ўзларининг муносиб фуқаролик позициясини эгаллаши ва бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бунинг асосий туб маъносида соғлом авлодни юзага келтириш ва уларни муносиб равишда тарбиялаш ётади. Бу эса тарбиячи устоз-мураббийга алоҳида масъулият юқлайди.

Замонавий таълим ривожига бўлган эътибор шахсининг нафақат ақлий ўсишида, балки шу билан биргаликда унинг маънавий- ахлоқий ҳамда касбий камолотидаги уйғунликни ҳам талаб ётади. Бу жараённинг тўлақонли амалга ошириш асосан ўқитувчи шахсининг касбий-педагогик билимлари ва маҳорати билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларида жаҳонга юз тутиши, ўз тараққиёт йўлини белгилаб олганлиги, бозор иқтисодиёти муносабатларига тобора чуқурроқ кириб бораётганлиги олий ва ўрта махсус таълим олдига юксак маънавий-ахлоқий вазифаларга эга бўладиган, ҳар жиҳатдан рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда. Ушбу вазифани ҳал этиш мақсадида давлатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда жумладан 2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ барча олий ўқув юрларида 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб сиртки, махсус сиртки, қайта тайёрлаш курслари фаолият бошлади.

Тингловчиларга фақат назарий билимларни чуқур ўрганган ҳолда эмас, балки айни вақтда миллий маънавий кадриятлар асосида буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, мулоқатга кириша оладиган, ўз ишини пухта эгаллаган моҳир мутахассислар қилиб тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ҳозирги даврнинг бу талаби ўрта-махсус, касб ҳунар таълими тизими ўқитувчиларини юксак педагогик маҳорат ва техника қўникмалари билан қуролланган, етук мутахассис сифатида камол топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Педагогик технологияларни қўллаб таълим самарадорлигига эришишда катталарни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш замон талабига айланди.

Катта ёшдагиларни ўқитишда авваламбор, касбий қўникмаларни эгаллашга эътибор қаратилиши лозим, бунинг учун ўқитувчи-андрагог раҳбарлигида тингловчиларнинг катта ҳажмдаги мустақил ишларини ўз ичига олган жадаллаштирилган дастур бўйича ўқитилиши зарур.

Ўқув гуруҳларида турли ёшдаги, турли таълим даражаларидаги, ҳаётий ва амалий тажрибага эга бўлган тингловчиларнинг мавжудлиги, ҳамда тайёрлов йўналишлари, ташкилий шакллар ва методларидан келиб чиқиб, имтиҳонларнинг турли анъанавий ва ноанъанавий шакллари ва методларни қўллаш мақадга мувофиқ бўлади.

Уларга қуйидагиларни киритиш лозим: билет бўйича саволлар; экстерн; ишлаб чиқилган реферат бўйича ҳисобот; кичик корхона ва ўз-ўзини банд қилиш участкаси фаолиятининг ҳисоботи; мустақил фаолиятга тайёрликни назорат қилиш билан биргаликдаги иш ўйини; маҳсулот, макет, прическа ва бошқаларнинг намуналарини тақдим қилиш ёки уларни тайёрлашни кўрсатиш; бевосита иш ўрнида имтиҳон; ўз назариясини (ғоясини, амалиётини, фаолиятини) имтиҳон комиссияси олдида ҳимоя қилиш; тестлаш; икки-уч ихтисослик бўйича имтиҳонлар мажмуаси.

Қайта тайёрлов курси тингловчиларининг мақсади янги билим ва малакаларни эгаллашдангина иборат бўлб қолмай балки, уларда ўз индивидуал имкониятлари ва эҳтиёжларга мос бўлган янги касбни эгаллашга бўлган мотивациянинг шаклланиши, янги касбий шаклланишда ўзининг йўлини аниқлаш ва ундан ўтишидан иборатдир. Шунинг учун қайта тайёрлашнинг муҳим вазифаси, шахсининг ижтимоий ўзаро муносабатга, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда ижтимоийлашув ва фаол мослашув қобилиятининг ривожланиши учун оптимал шароитлар яратишдан иборатдир. Бунда катта ёшли аёлларни ўқитишни ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилдик.

Аёллар пассив тингловчилар бўлиши яхши кўрмайдилар. Уларнинг барчаси ўз калбларида актрисадирлар ва шунинг учун ўзларини кўрсатиш ва ўзларига қарата қайта алоқа олиш эҳтиёжини сезадилар. Бу **ток-шоу эффекти** деб аталади. Тажрибали ўқитувчилар тасдиқлайдиларки, ўқитувчидан “Қарангчи, мен тўғри қиялманми?”, “Айтингчи, менда натижа бўляптими?” деб сўраш айнан аёлларга хосдир. Бундай ҳулқ эркаклар учун хос эмас. Бундан ҳулоса шуки, кўпроқ одамларни билан камраб олишга ҳаракат қила туриб машғулотларга интерфаол методларни қўйиш лозим.

Улар қуйидагилар бўлиши мумкин: саҳналар ва ўйинлар, ўқитувчилар билан муҳокамалар, жуфтликларда ёки гуруҳларда ишлаш, машғулотларни аудио ва видеога ёзиб олиш, уларни таҳлил қилиш.

Шу билан бирга, ўқитувчилар томонидан қайта алоқанинги йўқлигини аёллар ўз томонларига индамай қилинган аччиқ таъна, худди: - “Сизлар шундай ёмон бажаряпсизларки, бу тўғрида ҳатто гапирингиз ҳам келмайди” - дегандек қабул қиладилар.

Тажрибали ўқитувчилар ҳам, агар аёл ўки бу ҳаракатни қайтара олмаса ўзини бошқа ролда деб тасаввур қилишни тавсия этадилар. Аёллар ўша заҳоти образга қирадилар ва шу образ орқали улардан нима нсташаётганини сезадилар.

Эсда тутиш лозимки, баъзан 40 ёшдан ошган тингловчиларни ўқитиш учун камроқ интерфаол бўлган методларни, масалан, конференциялар, семинарлар, кичик маърузалар, мустакил ўқишни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Гап шундаки, ёш ўтган сайин стереотиплар, одатлар кучаяди. Ҳаётнинг ҳар бир йили ўтган сайин одатланилган ҳулк моделларини қайта фикрлаш ёки улардан воз кечиш ва ўзгариш лозимлигини тан олиш қийинлашади. Ўқитиш жараёнида янги техникалар, иш усулларини қўлаб қўришни таклиф қилиш мумкин, лекин ёш ўтган сайин бу қийинроқ эгалланади. 40 ёшдан катта бўлган аёллар ўқийдиган гуруҳларда ҳар доим қаршилик юкори даражада намоён бўлади. Бу гуруҳлардаги иштирокчилар, аёллар ҳам ва эркаклар ҳам, ўзларининг аввалги тажрибаларига “ёпишиб олишга”, ишга бўлган янги ёндашувларни, ҳатто уларнинг фойдалилигини, иш жойида қўллаш имкониятларини аниқлашга ҳам уринмаган ҳолда танқидга олиш, бекадр қилишга мойилдилар.

Аралаш гуруҳларда ўқитиш тўғрисида гапирганда, яна бир аёл эффекти – **ювошлик эффектини** инобатга олиш лозим. У шунда қўринадик, гуруҳли ишларда аёллар эркаклар томонидан озгина бўлса ҳам босим ўтказилганида жумладан, каттик гапирганда, тўсатдан мулоҳаза билдирилганда, сўз бўлиб қўйилганда уларга овоз бериш ва биринчи навбатда ҳаракат қилиш ҳуқуқини бериб қўйишга мойилдилар. Бунинг устига, бу мойиллик нафақат табнотан уятчан аёллар учун, балки фаол ва ўзига ишонадиган аёллар учун ҳам тегишлидир. Балки, бунда физиологиянинг таъсири бордир - кучлини олдинга ўтказиб юбориш лозим. Машғулотларда эркаклар томонидан шунга ўхшаш босимлардан холи бўлиш учун, жавобларнинг ёки кўникмаларни намоиш қилишнинг навбатчилигини қиритиш ёки жамоаларни жинсий белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш ва шу орқали аёллар ва эркакларга чиқиш учун бир хил имконият яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жавоблар ва ғояларни ёзма равишда тўплаш ҳам ёрдам беради. Шу билан бирга аёллар ўзларининг ажойиб таклид қилиш қобилиятлари ёрдамида эркаклардан ўрганиши аниқланган. Кузатишларимиз жараёнида, аёл бажара олмаган ишини айёрлик ва тиришқоқлик ёрдамида бажаради. Бу тренерага ёки суҳбатдошига таклид қилиш- унинг овози, сўзлаш усули, миникаси, гавданинг ҳолати, қараш, ҳаракатлари малакасини кўникмаларни эгаллашда муваффақият билан фойдаланиши мумкин.

Машғулотларни ташкил қилишда алоқаси бўлган яна бир эффект – **умумий юк эффекти** деб аталади. Унинг моҳияти шундаки, аёллар ёлғиз ўқишни ёқтирмайдилар. Биринчидан, аёлларга олинган ахборотни қимлардир билан бўлиши зарур, иккинчидан, аёллар ўзларини муҳофаза қиладилар: қўшни билан ниманидир маслаҳатлашиш, ўқиш бўйича жавобгарликни бўлишиш.

Ўқитувчи-андрагогларнинг дуч келадиган типик муаммолардан бири аёлларнинг ишларига қўйилган баҳоларнинг улар томонидан ҳар доим ҳам тўғри қабул қилинмаслигидир. Аёллар кўп ҳолларда ўз ҳаракатларининг баҳосини ўз шахсларининг баҳосидан фарқлай олмасдан, уларни аралаштириб юборишга мойилдилар. Ўқитишга нисбатан қўлланганда **“Киёмат қуни эффекти”** – имтиҳонлардан қўркиш ва уларнинг маъносини бузиш ҳолатлари мавжуд. Хусусан, энг юкори бўлмаган натижани олганда аёл кўп ҳолларда шундай мулоҳаза қилади: “Модомики, менга ёмон баҳо қўйилган экан, демак улар менга ёмон қўришади ва кадрлашмайди, демак мени билимсиз деб ҳисоблашади”. Ажабланмаса ҳам бўладики, синов ёки имтиҳондаги ёмон натижалар, аёлни нафақат кўз ёшларига, балки касалликка ҳам олиб келиши мумкин. Буларнинг барчаси имтиҳон ёки аттестация олдидан асабийлашишдан, ўзини ва бошқаларни қўрқитишдан бошланади. Бундан ташқари эсда тутиш лозимки, аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ даражада ўз ҳатолари бўйича рефлексияга ва ўзини жазолашга мойилроқдир, уларга бу ҳолатдан чиқишга ёрдам бериш лозим.

Буни ҳисобга олган ҳолда алоҳида дарс ёки алоҳида дастурни, ҳатто барча нарсага эришилмаган ҳолда ҳам, юкори қайфиятда яқунлаш лозим, йўқса, келажакда ўқишга бўлган ҳоҳишни йўқотиш хавфи бор.

Киёмат қуни эффекти ва ўз-ўзини жазолаш таъсирини қамайтириш учун қуйидагилар тавсия қилинади:

1. Имтиҳонларни ўтказишдан олдин аёлларга натижалар қандай баҳоланиши ва улар нимага таъсир қўрсатиши тўғрисида тушунча бериш, лекин “ким-қимлигини қўрамин” тарзидаги сўзларни ҳеч қачон ишлатмаслик, муҳитни таранглаштирмаслик.

2. Ўқитиш ва баҳолаш жараёнида шахсий сифатлар акли, чакқон, фаолга эмас, балки малака, кўникма, билим, вазифа, операция, ҳаракат, ечим каби бошқа сўзларга диққатни қаратиш, яъни одамларни ҳаракатлардан ажратмаслик.

3. Ҳатоларни шахсиз шаклда қўрсатиш, масалан, “Сиз хато қилибсиз” эмас, “бу ерда хато қилибди” тарзида.

4. Натижалардан хафа бўлганларни албатта ҳаммасини тўғрилаш мумкин деган ҳолда бошқа белгилар орқали макташ, ҳушомад қилиш, қўнглини қўтариш.

5. Албатта реал ютуқлар учун мактовни аямаслик. Бунда, аёлларни бир бирлари билан солиштириш ноқонз, унинг бугунги натижаларини кечагис билан солиштириш янада самаралироқдир.

Аёлларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитишдан келадиган фойдасини очикроқ қилинса, ўқув жараёнини ёқимли одатлар билан бойитилса ёки уни аёллар учун қизиқ бўлган тадбирлар билан қўшиб олиб борилса, уларнинг ўқишга муносабатини анчагина яхшилаш мумкин.

Аёллар таълими тизимида ўқитувчи-андрагогларнинг роли кўп жиҳатдан тингловчи-аёллар ҳулқининг моделини шакллантиришга ёрдам беради. Ўз жинслари вакиллари билан ишлайдиган аёл ўқитувчилар, улар учун ўзларининг ташқи қўринишлари ва касбий имижларидан тортиб фикрлаш, ҳаракат, муомала мақомига намуна бўлишлари мумкин. Аёл аудиторияси шароитларида эркак рағбатлантирувчи ролини ўйнайди, сермахсул гендер ҳамкорлигининг ижтимоий вариантларини намоиш қилади.

Аёлларнинг хулқи, юкори хиссиётлилиги, сезгирлик, шахслараро муносабатларнинг юкори ахамиятлилиги, “аёл мантики” ва б.ш.к. бир қатор махсус аёллик эффектлари билан тавсифланади. Бу хусусиятларни ва юкориди кўрсатилган эффектларни хисобга олиш, ўқитиш дастурини тайёрлашда аёллар томонидан янги материални ўзлаштириш самарадорлигини сезиларли даражада кўтаришга ёрдам беради.

Аёлларнинг ҳам, эркекларнинг ҳам гуруҳларида қайтар алоқа ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, баҳолашсиз ёндашув тамойилига таяниши лозим.

- Ўқитувчи-андрагогларнинг типик хатолари қуйидагилар:
 - Тренернинг максдалари ва ўқитиш вазифаларини унутиш;
 - Ўқитишнинг барча иштирокчиларига ёқишга ҳаракат қилиш;
 - Инокликни намоёиш қилиш;
 - “Барча нарсани билувчи” ролдан ҳаракат қилиш;
 - Иштирокчининг ишчан хулқининг таҳлили ўрнига унинг шахсини баҳолаш.

Гуруҳида ўқув жараёни самарадорлигини оширувчи мезонлар: Ўқитишни тўғри ташкил қилиш ва унинг деталларига диққат қилиш; Мотивлаштириш, максдаларни ва иштирокчилардан кутилаётган натижаларни муфассал тушунтириш; Гуруҳни, тренинг гуруҳининг оптимал таркибини тўғри шакллантириш; Комфортли тоза хоналар; Қулай мебель; Ўрнатилган вақтга риоя қилиш.

Хуллас олиб борган кузатиш ва тажриба-синов ишларимиз тингловчилар муваффақиятли билим олишлари, касб сирларини эгаллашлари учун, *катта ёшдагилар* таълим-андрагогикага асосланиб таълим-тарбия жараёнини илмий асосда йўлга қўйилиши муҳим ахамиятга эга эканлигини яна бир қарра исботлади.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ СОЗДАНИЯ ВНУТРИВУЗОВСКОЙ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

НУРМАНОВ А.Т., МУСТАФАКУЛОВ А.А., ТГПУ, Узбекистан

В современных условиях вопросы повышения качества, управления качеством обучения и воспитания в системе непрерывного образования Узбекистана занимают особое место в развитии педагогической науки и практики. Одним из приоритетных направлений стратегии развития Узбекистана является обеспечение качества высшего образования.

Эти же проблемы сегодня находятся в центре внимания государственной политики многих европейских стран, участниц Болонского процесса. Главная задача европейского высшего образования состоит в сохранении и обеспечении требуемого качества профессиональной подготовки специалиста и поиске механизмов его повышения. Система обеспечения качества должна соответствовать требованиям, которые предъявлены обществом. Качество образования представляется неотъемлемым условием социальной адекватности и адаптивности новых поколений граждан.

В заключении зарубежных экспертов из комитета по образованию, науке и культуре (UNESCO) при ООН, консалтинговой организации (DGP Research & Consulting), привлеченных в Узбекистан для комплексного анализа системы образования, подчеркивается, что в системе высшего образования не обеспечивается единство теории и практики, в результате неэффективной организации квалификационных практик студентов в производственных учреждениях, основная часть выпускников вузов вынуждена после трудоустройства заново освоить свою профессию, механизм контроля качества образования не отвечает современным требованиям, остро ощущается нехватка в образовательных учреждениях квалифицированных педагогических и управленческих кадров, не на должном уровне осуществляется в высших образовательных учреждениях международное сотрудничество и т.д.

Принятые в последние годы в Узбекистане законодательные инициативы позволяют осуществлять модернизацию высшего образования на более качественном уровне. Постановление Президента Республики Узбекистан № 2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» является ключевым документом в сфере повышения качества подготовки специалистов в вузах республики. В постановлении определены задачи, связанные с установлением высшими образовательными учреждениями страны перспективных партнерских отношений с ведущими зарубежными научно-образовательными учреждениями, внедрением в учебный процесс передовых педагогических технологий, учебных программ и учебно-методических материалов, основанных на международных образовательных стандартах, активным привлечением будущих специалистов к научно-исследовательской деятельности, повышением квалификации преподавателей и ученых в престижных зарубежных образовательных учреждениях и научных центрах.

Особую значимость в этом направлении приобретает Постановление Президента Республики Узбекистан № 515 от 18 июля 2017 года «Об организации деятельности государственной инспекции контроля качества образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан». Основной целью деятельности государственной инспекции является осуществление контроля качества учебно-воспитательного процесса, преподавательского состава, подготовки кадров и повышения квалификации в системе непрерывного образования республики.

В Положении о порядке определения рейтинга высших образовательных учреждений, утвержденном совместным решением Государственной инспекции по контролю за качеством образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан и Министерства высшего и среднего специального образования от 7 марта 2018 года подчеркивается важность осуществления задач стимулирования повышения уровня и качества научной и педагогической деятельности в высших образовательных учреждениях, достижения показателей качества

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



СЕРТИФИКАТ

Нурмидеова Яркинай Анормидатовна

ЗАМОНАВИЙ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ:
ИННОВАЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАР
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

PROBLEMS OF MODERN CONTINUING EDUCATION:
INNOVATION AND PERSPECTIVES
INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ:
ИННОВАЦИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТДПУ РЕКТОРИ

Ш.С. ШАРИПОВ

27.09.2018 йил